

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонуна назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас", дея белгилаб қўйилган. Бу эса фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари давлат томонидан алоҳида эътиборга олинганлиги, давлат ўзининг фуқаролари оиладаги мажбуриятларини Конституцияда белгилаб қўйганлиги ҳамда бу муносабатларни тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни асосида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги функцияларининг аниқ амалга оширилишида намойён бўлади.

Қонун фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалалари ва меҳнат муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, илгор хорижий тажрибага ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш мақсадида қабул қилинган. Шунингдек, қонун фуқароларнинг пенсия жағмармаси маблағларини шакллантиришга қўшадиган ҳиссасига пенсиялар миқдорининг боғлиқлигини кучайтириш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтиришга ҳизмат қилишини алоҳида кўрсатиш жоиз.

Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, моддий

рағбатлантириш орқали кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини юритиш тараққиёт йўлимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Жумладан, икки ёшгача боласи бор оналар ва ўн олти ёшгача болали оилаларга нафақалар маҳаллалар орқали, маълум корхонада меҳнат қилаётган аёлларга ҳомиладорлиги ва туғиш нафақалари, бир марталик суюнчи пуллари эса ишлаётган ташкилотлари томонидан берилмоқда.

Бу ўринда фуқароларнинг пенсия таъминоти, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг ижтимоий ҳимояси, аҳолининг соғлиғи, бандлиги ва меҳнат ҳуқуқларини юзага чиқариш прокуратура органла-

ри фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу соҳадаги муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Ушбу фармонга асосан Молия вазирлиги ҳузурда Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси ташкил қилиниши баробарида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари қафолатларининг янада кучайтирилишига эришилди.

2012 йилда республикаимиз ижтимоий-иқтисодий соҳадаги фаолиятида юқори натижаларга эришган бир вақтда Когон туманида ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳозирги кунда туман бўйича пенсия ва нафақа олувчиларнинг сони 7 минг нафар атрофида бўлиб, шундан асосий қисмини ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, чорак қисмини ногиронлик пенсияси ва нафақасини олувчилар ҳамда қолган қисмини боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар ва ижтимоий нафақа олувчилар ташкил этади. 2012 йил давомида бу йўналишда қарийб 2 млрд. сўмлик маблағ сарфланган. Туман прокуратураси то-

монидан туман аҳолисига пенсия таъминотини ташкиллаштиришда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида пенсияларни белгилаган мuddатларда тайинлаб, тўлалиши ҳамда давлат маблағи мақсадли сарфланишининг амалга оширилиши борасида олиб борилган назорат ишлари давомида бу соҳага оид қонунбузилишлар аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилиши таъминланиб келинмоқда.

Бу борада асосий эътибор пенсия ва нафақаларнинг тўғри тайинланиши ва ўз вақтида тўланиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига қаратилмоқда. Афсуски, давлатимизнинг ижтимоий сиёсатида зид иш тутаётган, вазифаларини лозим даражада бажармаётган мансабдорлар ҳам учраб турибди. Бу каби аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича ўз вақтида прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Мисол учун, тумандаги "Ўба-Чўли" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузурдаги нафақа тайинлаш комиссияси томонидан "Мевазор" қишлоғида

А. ИШОНҚУЛОВ,
Когон туман прокурори

яшовчи фуқаро Зилола Ҳамроевага икки ёшгача бўлган боласи учун нафақа тайинланган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларига зид иш тутилган, яъни унинг турмуш ўртоғи меҳаник вазифасида ишлаб келса-да, нафақа тайинлаш учун асос бўладиган ҳужжатларга ишсиз деб ёзиш йўли билан оиланинг даромади қасддан камайтирилган. Шу тариқа ноқонуний равишда жами 1 млн. сўмга яқин нафақа пуллари тўланиб, давлат манфаатларига жиддий зарар етказилган.

Маъзур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖНЖнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса қилиб айтишда бундан тўғридаги ҳолатларни томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояси қафолатларини кучайтириш, ҳуқуқ ва эркинликларни, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Иш бошқа, ваъда бошқа

Мустақиллик йилларида мактаб таъминоти ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ҳар томонлама қулай ва замонавий мактабларни кўрган қошининг кўзи қувнамайди.

Шаҳримизда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, бир неча янги мактаблар қурилди, кўплари капитал таъмирланди. Андижон шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби ҳам инвестиция дастури асосида лойиҳаланган бўлиб, уни таъмирлашни Олтинкўл туманида рўйхатдан ўтган "Барака Меъроҳ" хусусий корхонаси ўз зиммасига олди. Корхона раҳбари Ҳаётбек Мамалиев вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги "Ягона буюртмачи инжиниринг" ИШИК лойиҳалар ва техник кузатиш бўлими бошлиғи олдига келганида, унга катта ваъдалар берди.

— Ишончингиздан ҳурсандман, — деди Ҳаётбек. — Насиб қилса, ҳаммаси жойида бўлади.

Шундай қилиб, Ҳаётбекнинг корхонаси билан шартнома имзоланди. Унга кўра, корхона 120 иш кунинда мактабни таъмирлаб берадиган бўлди. Бу иш учун давлат бюджетидан 598 млн. 916 минг 928 сўм маблағ ажратилди. Бироқ кунлар ўтиб борар, ишлар эса ўлда-жўлда эди. Ҳаётбек ўз зиммасидаги масъулиятни унутди. Натижада таъмирланиши керак бўлган фаоллар зали аввалги ҳолида қолди. Таш-

қи йўлақларга брусчатка ётқизиш ишлари ҳам ортга сурилди. Ётиб қолгунча отиб қол, тарзида иш тугган "Барака Меъроҳ" раҳбари ажратилган маблағдан 8 млн. 858 минг 329 сўмини растрата йўли билан ўзлаштириб юборди. Бу ҳам озлик қилганидек, бажарилган иш ҳажми бўйича тузилган далолатномаларда у аслида бажарилмаган салкам 35 миллион сўмлик ишларни қўшиб ёзиш орқали қонунбузарликка йўл қўйиб, давлат ва жамият манфаатларига путур етказилишига сабабчи бўлди. Унинг наздида ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетавериши керак эди.

Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛҚК департаментининг Андижон шаҳар бўлими томонидан олиб борилган тезкор текшириш натижасида барча масалаларга ойдинлик киритилди. Нафсига ортиқча эрк берган Ҳаётбек Мамалиев қонун олдида жавоб берди. Илм маскани ҳисобланмиш мактаб ва унинг истиқбол йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан ўз манфаати учун фойдаланмоқчи бўлган бу шахсининг қилмишини ҳеч бир нарса билан оқлаб бўлмайд.

Ҳамидулло МАСАЙТОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Андижон шаҳар бўлими бошлиғи

Жорий йилнинг 29-30 март кунлари Бош прокуратуранинг "Ахборот-таҳлил маркази"да прокуратура органларининг ахборот-таҳлил тармоқлари ходимларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида навбатдаги ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.

Ўқув-семинар машғулоти ўтказилди

С. ЭШКУВВАТОВ,
Бош прокуратура бўлими бошлиғи

Ушбу машғулотларда вилоят прокуратуралари ва уларга тенг-лаштирилган прокуратураларнинг прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлимида ахборот-таҳлил фаолияти учун масъул бўлган ходимлари иштирок этдилар.

Ўқув машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Стратегик ва минақалараро тадқиқотлар институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Тошкент Ислам университетининг мутахассис ва илмий ходимларининг маърузалари тинланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазирлар вазирлиги ва "Интерпол" миллий-марказий бюросининг соҳага масъул ходимлари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Машғулотлар интерактив усулда ўтказилиб, ходимларнинг соҳага оид амалий кўникмаларини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Прокуратура органларининг ахборот-таҳлил фаолияти истиқболли соҳалардан бири бўлиб, ушбу фаолиятни янада такомиллаштириб бориш долзарб вазифа бўлиб қолади.

СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган туман бўлими ходимлари томонидан ўтган 2012 йил давомида солиқ ва валютга оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция, яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Асосий эътибор профилактика, қонунчилик тарғиботи ишларини кучайтириш, талбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилди. Шунингдек, қонунчиликка таққиланмаган ишлаб чиқариш билан яширин шугулланаётган шахслар аниқланиб, уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам берилиб, улар солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди ва қўшимча иш ўринлари яратилиши учун лозим бўлган ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Ўтказилган тадбирларда аниқланган қонунбузарликлар юзасидан бюджетга 159304,8 минг сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, шундан 40472,7 минг сўмини унди-

Ноқонуний фаолият

ришга эришилди. Бундан ташқари, давлат ва жамоат манфаатларига 183345,5 минг сўмлик зарар етказилгани ҳам фош этилиб, шундан 59638,6 минг сўми ундирилган. Ҳуқуқбузарлардан жами 42274,5 минг сўмлик товар-моддий бойликлари олиб қўйилди.

Ҳамюртларимиз орасида ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётганлар жуда кўп. Аммо улар орасида қонунни четлаб фаолият юритмоқчи бўлганлар ҳам, афсуски, учраб турибди.

"Ҳуфиёна иқтисодиёт"га қарши курашиш, махсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз махсулотларнинг бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиши натижасида 17 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 21172,5 минг сўмлик махсулот, хомашё ва бошқа ускуналар олиб қўйилди.

Нурмухаммад АБДУЛЛАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган туман бўлими бошлиғи

Фуқаро Қ.Тўйчиев ўз хонадонидан яширин цех ташкил этиб, газ ва электр тармоғига ўзбошимчилик билан уланиб олган ҳолда пахта чигитидан хонаки усулда ёғ ишлаб чиқараётгани, туман электр корхонасига 300 630 сўм ҳамда туман газ идорасига 431 568 сўм зарар етказгани аниқланди. Тадбир давомида унинг хонадонидан мойжузов, 540 кг. кунжа, 190 кг. ёғ, 225 кг. пахта чигити ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, у ишлаб чиқарган ёғ махсулоти эса истеъмолга яроқсиз, деб топилган.

Табийки, жиноий ҳатти-ҳаракатларга қонун ўз баҳосини беради. Шундай бўлди ҳам. Қ.Тўйчиевга нисбатан жиноят иши кўзгатирилиб, суд ҳукми билан жавобгарликка тортилди.

Ободлик кўнгиладан бошланади



Фуқаролик жамияти — ҳуқуқий давлатнинг негизи, асосий заминидир. Фақат кенг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлган, шу жамият, шу юрт тараққиётига камарбаста бўлиш, оиласини, маҳалласини, Ватанини обод этиш истаги билан яшаётган инсонгина фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Поп туманида маҳаллалар фаолиятини тубдан яхшилаш, бу ерда ишловчиларга ҳар жиҳатдан қулай иш шaroити яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шугина эмас, шаҳар-қишлоқларни ободонлаштириш ҳам диққат марказимиздаги масалалардан ҳисобланади.

Маҳалла — фуқаролик жамиятининг фақат ўзимизга хос бўлган бошқарув институтидир. Халқимизнинг "Маҳалла — ҳам отанг, ҳам онанг" деган пурмаёно ибораси ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётида ўз ифодасини топган. Кишиларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари, турмуши, муаммолари маҳаллада намён бўлади. Албатта, юртимиздаги ҳар бир фуқаро ўзининг келажагини, энг аввало, маҳалла ривожига қўрилади. Бир ишни бошлашдан олдин "маҳалла нима деркин" деган савол кўпчилигимизни ўйлантириши, шу саволнинг ўзи ёмон йўллардан қайтариб, яхшиликка йўлаши бор гап. Шу маънода маҳалла демократик тайовилларнинг амалга оширилишида муҳим вазифани бажаради.

Мустақиллик йилларида ушбу маскан фуқаролик жамиятининг муҳим ва фаол бўлиши сифатида ўзини тобора намён этмоқда. Маҳалланинг ҳаётимизда, жамиятимизда тутган ўрни ортб, ваколатлари кенгаймоқда.

Туманимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада яхшилаш, уларга қулай иш шaroити яратиш бериш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилётганининг боиси ҳам шунда. Жумладан, Поп шаҳридаги туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш фойдаланиш корхонасига қарашли тўртта хонадан иборат бино "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинига доимий фойдаланишга берилди. Маҳалла ходимларининг иш шaroитини яхшилаш мақсадида уларга компьютер ва мебел тўплами ҳам топширилиб, мазкур маҳалла ҳудудидаги кўчани раво ҳолга келтириш учун 6,7 млн. сўм маблағ сарфланди.

Туман ҳокимлиги ва ҳомийларнинг ташаббуси билан "Чодак" қишлоғидаги "Чодак"

қишлоқ фуқаролар йиғинининг эскирган маъмурий биноси замонавий архитектура талаблари асосида қайта таъмирланиб, ушбу мақсад учун 450 млн. сўм маблағ сарфланди. Икки қаватдан иборат бинонинг биринчи қаватида ишлаб чиқариш ва қўшимча иш ўринлари яратиш мақсади кўзланган.

Айни кунларда "Чодак" фуқаролар йиғинига қарашли "Гулистон" қишлоғида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биноси ҳомийлар томонидан реконструкция қилинмоқда. Жорий йилнинг иккинчи чорағида ана шундай тадбир "Ўрта Хонобод" маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биносида ҳам амалга оширилади.

Ўз навбатида, қишлоқларни ободонлаштириш, кўчаларни раво ҳолга келтириш, аҳолининг табиий газ, электр энергияси ва ичимлик сувига бўлган талабини тўлароқ қондириш диққат-эътиборимизда турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги 535-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлигининг ободонлаштириш бўлими тасарруфидаги 392 километр узунликдаги ички хўжаликлараро йўлларга шағал тўқиш ва асфальт ётқишиш ишлари амалга оширилмоқда. Тумандаги 114 километр хўжаликлараро ички йўлларнинг таъмирланиши учун 2 млрд. 25 млн. сўм миқдоридидаги давлат маблағи сарфланди. Ўтган йил давомида барча манбалар ҳисобидан 13,3 километр табиий газ тармоғи тортилди. Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тўртта йirik лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, Поп шаҳрида "Файз нон савдо" МЧЖга қарашли таъминчилик фабрикаси ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг фойдаланишга топширилиши 200 та янги иш ўринлари яратиш имконини берди. "Асадбек Чоркесар" фермер хўжалиги томонидан жунни қайта ишлаш ва тикувчилик фабрикаси, "Файз" МЧЖга қарашли тикувчилик цехи, "Дарина обуюв" қўшма корхонаси каби қатор янги корхоналарнинг фаолият бошлагани

Икромжон СОЛИЕВ,
Поп туман прокурори

қўшимча иш ўринлари яратиш билан бирга, бозорни маҳаллий хомашёдан тайёрланган истеъмол моллари билан тўлароқ таъминлашга йўл очди.

Ўз навбатида, тадбиркорларимиз ҳам бу борада изланиш йўлидан бориб, туманимиз иқтисодиётини яхшилашга муносиб улуш қўшишмоқда. Улар томонидан фойдаланишга топширилган тўртта гишт ва оҳак ишлаб чиқариш цехи, 79 та маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишсизлик муаммосини бирмунча бартараф этиш имконини берди.

Кейинги йилларда республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йилда "Санг" мавзесида 20 та, 2010 йилда "Хўжабод" мавзесида 20 та ва "Кўшминор" мавзесида 20 та, 2011 йилда "Тошқўрғон" мавзесида 15 та, "Хонобод" мавзесида 22 та, "Водий" мавзесида 6 та намунавий лойиҳалар асосида турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган йили "Уч уйли" ва "Шомзор" мавзеларида қурилиши бошланган 45 та уй-жой биноларида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Республикаимиз Президентининг 2013 йил 4 январдаги "Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида"ги Қарорига биноан, жорий йилда "Учбулар" мавзесида 70 та уй-жой учун бошланғич бадал маблағларини шакллантириш ишлари давом эттирилмоқда.

Бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бу билан тугамайди. Ўтган йили 25-, 23-умумтаълим мактабларида мукамал реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. "Янгилик" қишлоғида 120 ўринли янги мактаб биноси қурилди. Жорий йилда бир қатор таълим муассасаларида катта ҳажмда қайта қуриш ишларининг бажарилиши режалаштирилган. "Обод турмуш йиғини" учун тузилган туман дастури ижросини таъминлаш доимо диққат марказимизда туради.

Фаргона вилоят прокуратураси органлари томонидан Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президентимизнинг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси таҳлилларида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилибгина қолмай, таълим муассасаларига муаммоларни ҳал қилиш борасида ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар ҳам кўрсатиламоқда.

Ўзлаштириш ва даволат яхшиланмоқда

Бундан ташқари, институт-мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу олий таълим даргоҳида 32 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 8 та магистратура мутахассисликлари бўйича 5 мингдан зиёд талаба таълим олмақда. Таҳлилларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўришдан ташқари, вилоят прокуратураси томонидан институтнинг маъмурияти билан биргаликда таълим жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг малакаларини ошириб бориш, талабаларнинг ўзлаштирилиши, даволатларини яхшилашга қаратилган чоралар тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Институтнинг ҳар бир факультетида дастур доирасида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услувий тайёргарлигини ошириш, ўқув жараёнига замонавий педагогик услубларни ҳамда компьютер технологияларини кенг жорий этиш хусусидаги семинарлар ташкил этилди.

Ўқитишнинг самардорлиги ва сифатини ошириш мақсадида 48 та ўқув аудиториялари видеопроекторлар билан жиҳозланди. Институтнинг ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази ҳамда ахборот-ресурс марказида ҳам замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш учун етарли шарт-шароитлар вужудга келтирилган бўлиб, ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида талабалар билимларининг сезиларли ўсишига эришилди. Жорий ўқув йилининг биринчи ярми ва ўтган ўқув йили қиёсий таҳлил қилинганида, ўзлаштириш кўрсаткичлари 17 фоизга ўсганлиги кўзга ташланди.

Оддий аксиома — дарсларни қолдирган талаба тўқис билим ололмайдди, танлаган соҳаси, мутахассислигининг сир-асрорларини ҳам пишиқ-пухта ўрганолмайдди. Шу боис, даволатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Прокуратура органлари ва институт маъмурияти томонидан ўтган йилнинг декабрь ойи ва жорий йилнинг январь-февраль ойларидан талабаларнинг даволати бўйича мониторинг ўтказилиб, кўп дарс қолдираётган талабаларнинг икки ўқув семестри давомида даволати ўзлаштирилиши таҳлил этилди. Кўп дарс қолдираётган талабалар билан "Оила - маҳалла - таълим муассасаси" тизимида тушунтириш ишлари олиб борилди. Аудиторияларда гуруҳ мураббийлари, кафедра мудирлари, институт раҳбария-

Обиджон СОБИРОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

ти ҳамда ота-оналар иштирокида суҳбатлар ўтказилди. Айни чоғда мунтазам дарс қолдирган талабаларнинг 388 нафари оғохлантирилди. 27 нафари эса талабалар сафидан чиқарилди. Даволат бора-сидаги аҳвол ва дарсларни узрли сабабсиз қолдирган талабаларга нисбатан қўрилган чоралар барча гуруҳларда муҳокама қилинди. Институт маъмурияти билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида даволат сезиларли яхшиланди. Илгариги 82-84 фоиздан айни чоғда 95 фоизга кўтарилди.

Битирувчи талабаларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришнинг аҳволи ҳам таҳлил этиб борилмоқда. Хусусан, Фаргона политехника институтини 2011-2012 ўқув йилида битирган 1126 нафар талабанинг барчаси иш билан таъминланган. Шу жумладан, прокуратура органларининг амалий ёрдами билан 56 нафар битирувчи "Фаргона дон", "Фаргона нефтгаз қурилиш", "Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи", "Фаргона азот" ОАЖ, "ЕГ-мой" ҳисдорлик жамияти, Қува қандолат фабрикаси каби корхона ва ташкилотларда ўз меҳнат фаолиятларини бошлашди. Жорий йилда ўқиниши битириётган 1164 нафар талабани ишга жойлаштириш учун уч томонлама шартномалар тузилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига таълим кредитини олиш жараёнини тушунтириш билан бирга, банклар томонидан таълим кредитларининг берилишида ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Тушунтириш ишлари ва амалий ёрдам натижасида талабаларнинг 56 нафари таълим кредитлари билан таъминланди.

Бундан ташқари, институт-да шартнома асосида таълим олаётган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимомага муҳтож оилаларнинг талаба фарзандларига ҳомий ташкилотлар бириктириб қўйилган. 2012-2013 ўқув йилида 97 нафар талабанинг шартнома тўловлари ҳомий ташкилот ва корхоналар томонидан амалга оширилди.

Шу тарихда таҳлилларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш билан бирга, таълим сифатини яхшилаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш борасидаги муаммолар ҳал этилмоқда.

Келажак бугундан бошланади

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисида раҳбар хоҳимлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлашнинг нақадар муҳимлигини таъкиллаб, ушбу масала юзасидан прокурорлар назоратни кучайтирмоқлари келажакнинг кўрсатиб ўтди. Бу талаб Юртбошимизнинг қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам устувор йўналиш тариқасида белгилаб берилди.

Шерзод МАХАММАДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокурори
ёрдамчиси

мовнинг мунтазам равишда, узрли сабабларсиз дарс машғулотларига қатнашмаганига эътиборсиз бўлган отаси Б.Ҳақимовга ҳамда Жомбой туманидаги тадбиркорлик касб-хунар коллежининг ҳеч бир сабабсиз дарс машғулотларига қатнашмаган ўқувчиси А.Болиевнинг отаси Х.Шодиевларга нисбатан МЖТКнинг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилди.

Шаҳар-туман прокуратуралари томонидан жойларда қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш, умумтаълим мактабларида мактаб ўқувчиларининг дарсларга ва ўқув машғулотларига мунтазам қатнашишлари борасида ҳам тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг март ойида Оқдарё туман прокуратураси томонидан тумандаги "Оқдарё" ва "Шермаёт" маҳалла фуқаролар йиғинларида, Қўшробат туман прокуратураси томонидан тумандаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш борасида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Шу ўринда бир янгликни келтириб ўтишни лозим топдик. Республика Бош прокуратурасининг ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиблари ўртасидаги "Йилнинг энг яхши масъул котиби" танлови яқунланди. Ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан иштирокчилар қатнашишди. Республика Халқ таълими вазирли раислигидаги нуфузли хайъат аъзолари баҳолаб борган танлов натижаларига кўра, туман-шаҳар ҳокимлик кўра хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Зафар Ҳамдамов 2012 йил яқун бўйича танлов ғолиби, деб топилди.

Қайд этиш лозимки, амалга оширилган ишлар самараси ўларок, жорий йилнинг икки ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоятда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 33,3 фоизга қамийишига эришилган.

Мухтасар қилиб айтганда эса, ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий томондан етук инсонлар бўлиб етишиши йўлида вилоятимизда қўллаб хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу каби сий-харақатларимиз ўз меъясини беришига ишонамиз.

Прокуратура ходимларининг асосий эътибори коллежларда ўқувчиларнинг давомати масаласига ҳам қаратилган. Бу ўринда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мунтазам дарс машғулотларига қатнашишини таъминлаш мақсадида шаҳар-туман ҳокимликлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва соҳага алоқадор тирмоқлар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда амалий тадбирлар йўлга қўйилган. Жумладан, 14 март куни бевосита вилоят прокурори масъул бўлган Пайариқ туманидаги хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, ота-оналар, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари иштирокида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига қатнашиш давоматини яхшилаш, амалиёт ўташлари самарадорлигини ошириш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёнини такомиллаштириш масалалари кизгин муҳокама қилинди.

Тадбирга давомати паст бўлган 32 нафар ўқувчининг ота-оналари ҳам тақлиф қилиниб, уларнинг масъулияти, оилавий шароити ва муаммолари хусусида суҳбатлашилди. Хусусан, коллежининг уч нафар ўқувчиси соғлиғи яхши бўлмаганлиги сабабли дарс машғулотларига тўлиқ қатнашмаётганлиги юзасидан туман соғлиқни сақлаш муассасаси раҳбарлари ва уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш вазифалари топширилди. Шунингдек, йиғилишда қатнашган туман ҳокимлигининг мутасаддилари томонидан коллеж раҳбарияти ва ота-оналар томонидан кўтарилган муаммо узоқ масофадан ўқишга қатнаётган ўқувчилар учун имтиёзли транспорт қатновчи йўлга қўйилди.

Ўтказилган текширишларда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг дарсларга, ўқув машғулотларига тўлиқ қатнашишлари борасида айрим масъул шахслар томонидан бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Бу борада фарзанди тарбиясида эътиборсиз муносабатда бўлган 207 нафар ота-оналар МЖТКнинг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги транспорт ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи ўқувчиси Ш.Ҳақи-

Дарҳақиқат, ёш низолининг униб-ўсиши учун қанча меҳнат қилинса, бир болани тарбиялаш, улғайтириш, унга таълим-тарбия бериш, айниқса, касб ўргатиш учун ундан минг чандон кўпроқ меҳнат талаб қилади. Бунинг замирида ота-она, устоз ва мураббийларнинг заҳматли меҳнати ётади. Шу сабабдан ҳам касб-хунар коллежларини тамомлаётган ўсмирларни ўзлари ўрганган ва хоҳлаган касб йўналишида ишга жойлаштиришнинг аҳамияти бекиёсдир. Бугунги кунда Республика Бош прокурорининг топшириғига биноан жойлардаги прокуратура органлари томонидан давлат бошқаруви идоралари, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорликда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам белгиланган тадбирлар ижросини ўз вақтида тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда 9-синф битирувчиларини, айниқса, қиз болаларни таъминнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилиш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тўлиқ ишга жойлаштириш таъминлаш мақсадида вилоят миқёсида штаб ва ишчи гуруҳлари тузилган. Унга вилоят ҳокимлиги ва вилоятдаги мутасадди идоралар вақиллари жалб қилинган бўлиб, ҳар бир ўқув даргоҳига идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари масъул этиб тайинланган. Шунингдек, вилоят, барча туман, шаҳар прокурорлари ҳам ҳудудларда мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширибгина қолмай, ўзлари ҳам аниқ ўқув юртлирига тақсимланган.

Бу йилги ўқув йилида вилоятимиздаги мавжуд 158 та касб-хунар коллежларини 60 минг нафардан зиёд ёшлар битиради. Бугун уларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш тадбирлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Жорий йилда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида "Илм ол, хунар ўрган, Ватанни кутар сени", "Қиз боланинг касби — унинг бахти" мавзуларида давра суҳбатлари, "Қасблар фестивали", "Оқиқ эшиклар қунари" каби тадбирлар ўтказилиб, уларда нафақат кўп сонли таълим муассасалари битирувчилари, балки уларнинг ота-оналари ҳам фаол иштирок этишди.

Инсон боласи онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ташқи муҳитнинг таъсири, атрофдаги турфа феълли кимсаларга аралашиб, нафсини, ироласини илора қила олмасаниқина инсонни пасткам йўлларга бошлайди. Яна шуни ҳам айтиш ўринлики, ўттиз ёшга кимларим жиноятга, ҳаётга ўз ўрнини топади, эл қорига яраб, савоб ишлар қилади, оқибат олади. Улуғнор туманида яшовчи Бобир Қўзиёв ана шундай ёшда. Уч нафар фарзанднинг отаси бўлган бу шахс ўттиз ёшда туман электр таъминоти қорхонасига раҳбар этиб тайинланди. Туман аҳолиси раҳбар ўзларидан чиққанига қувонишиб, унинг ҳаққига дуо қилган бўлиши ҳам эътимомдан холи эмас. Бироқ у масъулиятни, ўзига билимланган инсонни сунистеъмом қилди. Давлат маблағини умариш, мансаб ваколатини менсимаслик каби салбий ҳолатларга йўл қўйди. Атрофига ўзининг қўл остига ишловчи монтер, нозир ҳамда ҳисобчиларни тўплаб, улар билан олинган жинорий тил бириктирган раҳбар, охир-оқибат давлат ва халқ манфаатига жиддий путур етказишига сабабчи бўлди.

Сохта ҳисоботлар тилга кирди

Султонбек ЮЛБАРСОВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Унинг ўз касбига қоқайдиги туфайли 2010 йил давомида 25 ҳолатда, 2011 йилда эса 758 та ҳолатда қоқдабузарликлар содир этилди. Яъни қонунбузилиши ҳолатини содир этган истеъмолчиларга нисбатан тузилган тегишли далолатномалар уларнинг имзоларисиз ҳақиқий ҳисобланмаса-да, раҳбарнинг фармойишига асосан, тузилган далолатномаларни қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳаёти мутасаддилари томонидан истеъмолчиларнинг электр энергиясидан бўлган қарздорлигини қайта ҳисоб-китоб қилиш важи билан 268 млн. 255 минг сўмлик қарздорлик ҳақида сохта маълумот ҳисобот тузилди. Ушбу ҳисобот қорхонанинг ЭЎМ оператори Зафарбек Абдуллаевга тақдим этилди.

— Шунки киритиб қўясиз, — деди раҳбар. Табиийки, ходим буйруқни бажаришдан ўзга чора тополмади. Натижада, Зафарбекнинг "ёрдами" билан катта миқдорда суний қарздорлик юзга келтирилди. Ачинарлики, "Арм Ас Бит" электрон дастури орқали қилинган бу қинғир иш ҳали ўзларига жуда ҳам қимматга тушишини улар билишмас, билсалар-да, билганларидан қолишмасди.

Раҳбарнинг атрофига бирлашган қорхона ҳисобчиси Сайдулло Мамадалеви, ўринбосар Дилшодбек Алимов, монтерлар Шавкатбек, Хусанбой, Бахтиёр, Абдурахмон, почта нозир Мирзараҳмат Назаров, компьютер техниги Зафарбек Абдуллаев ҳамда далолатномалар бўйича нозир Жасурбеклар орқа-олдиларига қарамай, "ишга киришиб кетишди. Натижада, устма-уст қинғирликлар юз берди. Улар ўз қилмишларини давом эттириб, аҳолидан тушган 650 минг 100 сўмлик тўлов пулларини чегириб ташламастан, қайта ҳисоб-китоб йўли билан далолатнома тузганликлари сабабли, аҳолининг қарздорлиги суний тарзда тақоран оширилди. Аникроги, уларнинг "хизматлари" натижасида аҳоли қарздорлиги 14 млн. 057 минг сўмини ташкил этди. Тузилган ва Зафарбек томонидан электрон дастурга жойлаштирилган ушбу сохта ҳисобот далолатномаси туфайли, "Андижон ХЭТ" очик акциядорлик жамиятига катта миқдорда моддий зарар етказилди. Аҳоли дебитор қарздорлигининг суний тарзда ошиб кетишига, шунингдек, уларга аслида етказиб берилмаган электр энергиясининг етказиб берилганлиги тўғрисида маълумотномалар тузилганлиги ҳам сабаб бўлиб, истеъмолчиларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари топталган. Бобир ишга совуққонлик билан қараб, назоратчи электромонтерлар Б.Ҳамроқулов, Р.Садриддинов, М.Назаров, Х.Туманов, А.Азизов ҳамда Ш.Боймуродовлар билан тил бириктирмаганида эди, аҳолининг 32 млн. 418 минг сўмлик тақоррий "қарз" и сохташтирилган ҳужжатларга тиркалган бўларди. Туманининг Шаҳробод, Туртлоқ, Чўлобод, Оқ олтин маъвасидаги бир қанча фуқароларнинг электр энергияси тўловидан мутлақо қарзи бўлмаса-да, Бобирнинг шериклари тузган далолатномаларда 15 нафар истеъмолчининг бўйича оз эмас, кўп эмас, салкам 400 млн. сўм қарз қилинди. Ҳамтовокларнинг хийласидан нафақат яқна тартибдаги истеъмолчилар, балки туманда фаолият юритадиган қорхона ва ташкилотлар ҳам бебаҳра қолишгани йўқ. Масалан, "Қишлоқхўжалиқим" ҳудудий очик акциядорлик жамияти туман филиалининг умуман қарзи бўлмаса-да, филиалнинг 1 млн. 724 минг 600 сўм миқдорда қарздорлиги ҳақида маълумотнома тузилди. Электр таъминоти қорхонасидаги филиалнинг 6 млн. 390 минг 300 сўмлик ҳақдорлигидан (ўтган йилнинг 1 февраль ҳолатига) мутасаддилар кўз имишди. Ортиқча энергия сарф қилиб, қарзини тўламаган юридик шахс мақомидаги улғурчи истеъмолчиларга 280 млн. 108 минг 700 сўмлик энергия ортиқча бериб юборилганлиги боис, яна "Андижон ХЭТ" манфаатларига зиён етказилди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Бўз туман судида мазкур масала атрофлича кўриб чиқилди. Фуқаровий давговарларнинг кўрсатмалари тингланиб, сохта ҳисоботлар тилга киргач, қинғир ишга қўл урганларнинг айби ўз исботини топди. Шундай бўлса-да, инсонларвар қонунларимизга асосан, Бобир Қўзиёв ҳамда унинг ҳамтовоклари 2012 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан қабул қилинган амнистия актига мувофиқ, жазодан озод қилинди. Уйлаймики, улар энди ушбу имкониятдан тўғри фойдаланиб, бундан бўён ҳаётларини эзгу ишларга сафарбар қиладилар. Зеро, халқимиз яхши отта бир қамчи, дея бекорга айтмайди.

Ғубор босган виждон

Ўз эгасини таназзулга бошлайди



Одам савдоси жинояти тез суръатларда ривожланиб, бугун дунёга таҳдид солмоқда. Шу боис ҳам ушбу қилмишга қарши курашиш, унинг илғизига болта уриш, юзага келишига сабаб бўлаётган шарт-шароитларга барҳам бериш борасида жаҳон ҳамжамияти томонидан қатъий чоралар кўрилмақда. Бу жиноят чегара ва ҳудуд билмаслиги билан ҳам хавфлидир.

Республикамызда одам савдосига қарши курашиш бор-сида ишлаб чиқилган комплекс тадбирлар ўз самарасини бермоқда. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда трансмилий қилмишга барҳам беришнинг ҳуқуқий асослари белгиланди. Эндиликда мазкур қонун асосида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга барҳам бериш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмоқда. Одам савдосидан жабрланганларни нормал ҳаёт тарзига қайтариш, жиний таъжувуз тубайли ижтимоий-маиший шароити оғирлашган шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига йўл қўймаслик чоралари кўрилганлиги, уларнинг ижтимоий

реабилитациясига ихтисослашган муассаса фаолият кўрсатаётганлиги мазкур жиноят қурбонларининг жамиятда ўз ўринларини қайта топишларига хизмат қилмоқда.

Хоразм вилоятида ҳам мазкур қонун ҳамда республика Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят прокуратураси органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари, ҳокимият вакиллари, зиёлилар, маҳалла оқсқолларидан иборат тарғибот гуруҳлари таълим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллаларда бўлиб, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг оғир оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш-

моқда. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари фуқароларни огоҳликка даъват этиш билан бирга, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишларига ҳам хизмат қилмоқда. Натижада кейинги йилларда мазкур туркум жиноятлар сони олдинги йиллардагига нисбатан кескин камайди.

Шу билан бирга, фуқароларнинг одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ариза ва muroжаатларида кўрсатилган важдарни ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, қонуний қарор қабул қилиниши таъминланмоқда. Биринчидан, айрим фуқароларнинг нафси ҳақлаш отиб, виждонини ғубор босганлиги-ю, баъзи юртдошларимизнинг соддалиги, мўмай даромадга ўчлиги оқибатида ҳали ҳам бундай жиноятлар содир этилмоқда. Ушбу жиноятга қўл ураётганлар орасида аёлларнинг борлиги янада ачинарлидир.

Ана шундайлардан бири урганлик Зубайда Жуманиёзова бўлиб, у ҳеч қандай ишламайди, ҳеч қандай касб ё ҳунари соҳиб эмас. Уч фарзанднинг онаси. Бирок унинг қилмишларидан воқиф бўлган киши Зубайдани она, деб аташга журъат қилармикан?

Меҳрибон Маткаримова, Малика Салаева ҳамда Назира Жуманиёзова каби шериклари билан жиний режа тузган Зубайда, турли алдовлар билан хотин-қизларни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан олиб ўтиб, Хиндистон давлатида фойдаланиш мақсадида ёллаш, та-

шиш ҳамда ҳақ эвазига фаҳш ишларига бошлаб, муттасил фойдаланиш билан шуғулланиб келган. Фоҳишабошликни жиний даромад манбаи қилиб олган ушбу гуруҳ Хиндистонда яхши ҳақ тўланишини айтиб, аёлларни қизиктиришган. У ерга боргач, уларни кўпроқ пул ишлашга мажбур қилишган. Даромаднинг муайян қисмини ўзларидан олиб қолишган.

Жиний гуруҳ фаолияти ўрганилганда, улар содда қизларни Ўзбекистондан ноқонуний йўллар билан чиқариб олиб кетишгани ҳам маълум бўлди. Шунингдек, қизларга иш ҳақининг маълум қисмини олдиндан бериш, йўл ҳақини ҳам тўлаш орқали Хиндистонга кетишга қизиқтиришган. "Ана, фалончи автомашина сотиб олди, писмонни дангилама уй қурди", қабилидаги сўзлар билан аврашган.

"Бизни фаҳш ишлар қилишга мажбурлашарди. Қаршилик кўрсатса, Зубайда урарди, қарзларингизни тўлагандан кейин унингизга кетасизлар, деб бақирарди", дея таъкидлашган жабр кўрганлар ўз кўрсатмаларида. Жиний гуруҳнинг қийноқларига чидай олмаган қизлар Ўзбекистонга қайтишни чораларини излашган. Айримлари фоҳишахоналардан қочишга ва қайтиб келишга мубоффақ бўлишган. Тергов жараёнида жиний гуруҳнинг қилмишлари ошкор бўлди. Жиноятчилар қонуний жазога тортилдилар.

Шу ўринда жабрдийда қизлар ҳақида ҳам икки оғиз

Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоят прокурори
ўринбосари

тўхталсак. Ўзга юртда хор-зор бўлиб, даромад топгандан кўра, ўз уйингда беминнат меҳнат эвазига ишлаб топган нонингни фарзандларинг кўршовида тотганга нима етсин!

Бугун республикамыз ҳуқуқмати томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш чоралари кўрилмақда. Бандлик муаммоларини ҳал қилиш, янги иш ўринлари яратиш борасида кўплаб дастурлар амалга таътиб этилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар учун квоталанган иш ўринларининг ташкил қилинаётганлиги, уларга бир вақтинча ўзида фарздан тарбиялаш ва даромад қилиш имкониятлари яратилаётганлиги, тадбиркорлик билан шуғулланиш истигадилар учун имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги, қоллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш чораларининг кўрилатганлиги шулар жумласидандир. Албатта, бу каби гамхўрлик моҳиятини барча элдошларимизда англаб етишларини, одам савдоси қурбонига айланмаслик учун, аввало, ўзлари масъул эканликларини тушунишларини истардик. Сўнгги пушаймон, ўзинга душман, дейди халқимиз. Буни нутумайлик.

Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи

Жаҳоннинг тараққий этган давлатлари таърибасини ўрганиш шунини кўрсатадики, ҳеч бир давлат ўзининг демократик тараққийини, ижтимоий ҳаётга Конституция ва қонулар устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлари ҳимоясини қарор топтиришга сулларнинг фаолиятисиз, уларнинг фаол ва таъсирчан иштирокисиз таъминлай олмайдди. Ўзбекистонда суд ҳокимияти одам суловони амалга оширишга нисбатан кенг маънога эга. Янги суллар нафақат қонунни қўллашлар, унга тушунтириш берадилар, низоларни ҳал этадилар, балки ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси ҳам ҳисобланадилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги ўтган давр давомида жамиятнинг ҳимояни демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш, адвокатура ролинини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш жараёнларини жалдлаштириш имконини берди.

Маълумки, суд ҳокимиятининг асосий мақсад-вазифаси жамият аъзоларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланганидек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади.

Бундан ташқари, суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 14-моддаси ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳимояси тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддасида ҳам белгилаб берилган.

Юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар тўб моҳиятга кўра, судларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги мавқеини мустақамлашга қаратилган бўлиб, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Президентимиз Ислоҳ Каримов бу ҳақда шундай дейди: "Фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маълумий йўл билан кўриб чиқиш тартиби учрайди. Албатта, бу ҳол Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямыз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга muroжаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор".

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, мустақил ва холис суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институти бўлиб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича давлат фаолиятининг алоҳида шаклини ифода қилади. Айрим олимлар эса мустақил соҳасини ташкил этади ва ўзида давлат функцияси белгиларини ифода қилади, деган фикрни илгари сурадилар.

Мазкур фикрларга ҳурмат билан ёндашган ҳолда, шунини таъкидламоқчимизки, мустақил ва холис суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг мазмуни одил судловни амалга оширишнинг ўзига холиғи билан белгиланади. Жумладан, жиноят-процессуал ҳуқуқда "мустақил ва холис суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчига ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берадиган ташкили ва процессуал нормалар йиғиндисидан иборат бўлади".

Судлов зиммасига жамиятда келиб чиқадиган низоларни қонун талаблари асосида ҳал этиш, яъни жазага лойиқ қилмишни содир этишда айбланаётган шахснинг хатти-ҳаракати ҳуқуқий баҳо бериш вазифаси юқлатилган. Фуқаролар, ташкилотлар, муассасалар ва давлат идоралари учун мажбурий бўлган ҳукм, ҳал қилув қарорлари чиқариш ваколати, ўзига хос экспертлик вазифаси одил судловнинг жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, қамоққа олишга санкция бериш ваколатининг прокуратура

М.ЖАЛИЛОВ,
Наманган Давлат университети талабаси

органларидан судларга ўтказилиши ҳам мамлакатимизда суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш борасида амалга оширилган муҳим ҳуқуқий ислохотлардан бири ҳисобланади. Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрининг нақадар тўғриллигини тасдиқламоқда.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асосий ажримларининг бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормалари самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган жараён сифатида баҳоланиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилишнинг пировард мақсади ҳам шахснинг конституцияда белгиланган эркинлик ва ҳақсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан холислик ва бегаразлиқни таъминлашдан иборатдир.

Хулоса сифатида айтганда, юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиш, мустақил ва холис суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясининг таркибий қисми эканлигини кўрсатади.

Соҳибқироннинг ибрат мактаби

/Давоми.
Бошланғичи 1-бетда/

Дарҳақиқат, ҳар бир авлод ўз тарихини, ўзлигини ҳаққоний ўрғаниш ҳуқуқига эга. Амир Темур даври тарихий китобларини ва рақлаш баробарида унинг ўзига хос буюклик феноменини кашф этасиз. Тарихчиларнинг ёзишларича, Темур ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан эди. Унинг "Тузуклар"ини ўқиган киши бу фикрнинг ҳаққонийлигига қаноат ҳосил қилади. Ушбу асарда Темурнинг назарияси изоҳланган. Унинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қарши, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий принциплари ифодаланган.

Соҳибқирон давлат бошқарувида ахлоқий маърифатни амалда қарор топтиришнинг назарий ва амалий негизларини яратишга муваффақ бўлган давлат арбоби эди. У салтанатини илҳида сақлаш учун подшоҳ ўз сўзига эга, адолатпеша бўлиши, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутиши, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазири унинг қорасини топишига доир ғояларни тизимлаштиришга эришди.

"Барча аҳоли масканларида унинг зобитлари (қозилари) бор ва у адолатга қатъий риоя этади ҳамда жиноят қилган ҳар қандай кимсага — кимлигидан қатъи назар — шафқат қилмайди: кичик бир жинояти учун катта-ю кичик амалдорларга шу захотиёк жазо тайинлайди", — дейди Амир Темур ҳузурда бўлган Франция элчиси — архиепископ Иоанн.

Темур шохона безатилган бандликда туриб, олти юз минглик қўшин бирлашмаларининг намоишини қабул қиларди. Бу қўшинларнинг ҳаммаси бошдан-оёғигача совуқ кийиб, байроқ кўтариб, мушқа садолари остида бир хилда шаҳдам қадам ташлаб борардилар. Темур турган жойга яқинлашган, ҳарбий қисмлар бошлиқлари ўз бўлинмаларидан ажралиб, Темурга яқин келиб, унга таъзим қилар, мақтов сўзлари — мадҳи сано айтиб, ўзи ва қўл остидаги аскарлари аминнинг хайрли ишига содиқ эканлигини билдирарди", дейди Шарафуддин Али Яъқубийнинг "Зафарнома"сида.

Тарихдан маълумки, XIV асрда Мовароуннаҳр мўғуллар истилоси оқибатида сиёсий жиҳатдан парчаланган, давлат ва қонунчилик тартиби издан чиққан эди. Ана шундай оғир бир тарихий шароитда сиёсий майдонга чиққан Амир Темур давр талабини — мамлакатни мўғул босқинчиларидан тозалаб, қучли марказлашган ягона давлат тиклаш лозимлигини тушуниб, етди ва бу мураккаб вазифани баҳаршига астойдил қиришди. Натижада фақат ўз халқининггина эмас, балки қўшни мамлакатлар халқларини ҳам зомим шохлардан, ҳокимлару беклардан қутқарди, мамлакатда қатъий қонун ва қондалар ўрнатди.

Махшур рус олими Логофет "Европа хали Конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврларда Амир Темур давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси — тузук мавжуд эди ва у амалда бўлган", деганда айна ҳақиқатни айтган эди. "Темур тузуқлари" улкан салтанатни бошқа



риш, фуқароларнинг тинч-тотув турмуш кечиришида адолатни таъминлаш омили ҳисобланган. "Тузук" истилоҳи изоҳли лугатларда "Тартиб-интизом, лашкар ва мажлис ишлари йўриғи" маъносига келади. Унда инсон ҳуқуқлари қадрланиб, уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Соҳибқирон бобомиз фуқаролари қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар уларга бирдек гамхўрлик кўрсатиб, ҳимоя қилди. "Куч — адолатда" битиги Амир Темурнинг узуғида ҳам беҳиз ўз ўрнини топмаган. Чунки подшоҳ адолат билан давлатни бошқарганига эл равақ топиб, фаровон яшайди.

"Тузуклар"да фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ибратли фикрларни ўқиб мумкин. "Бирорта ҳам аскарнинг доимий туриши учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳақиқий йўқ", дейилади унда. Ҳуқуқий тузилмаларнинг оқилона йўлга қўйилиши адолатнинг устуворлигини таъминлашда асосий омил бўлган: "Лашкарлар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинлашди, ҳар бир мамлакатга шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, яхши ва савоб ишларга ундасин".

Улуғ лашкарбоши, буюк Соҳибқирон, ардоқли бобокалонимизнинг ҳарбий санъати, ғалаба қилиш маҳорати неча асрлардан бўён ҳарбий академияларда ўқитилади, олий штабларда ўрганилади, унинг ҳарбий тузуқлари дунёдаги кўплаб армияларнинг ҳарбий низомиларида қиритилган. Масалан, қўшинларнинг жанговар сафлашишидаги авангард, ўнг, сўл қанот ҳимоя тузилишлари, жанговар қўриқчиллик, дозор-кузатиб туриш тузуқлари, стратегик маневр, тактик ҳийла каби усуллар Амир Темур "Тузуклар"идан олинган.

"Тузуклар"дан, жангнома-ю замондошлари хотираларидан маълумки, Амир Темур жангда табиий тўсиқлар — тоғу тош, ғорлару жарлардан моҳирона фойдалана олган. Соҳибқирон ўз даврининг зийрак ва хушёр ҳук

кечиримли бўла олар эди. Даргоҳи софдил кишилар, олиму фозилларга ҳар доим очик бўлган. Нафси ёмон, нијати бузук кимсаларни эса даргоҳига яқинлаштирмаган. "Яна тажрибада кўриб билдимки, — дейди Соҳибқирон, — Давлат агар дину диёнат асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар бир киши назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар бир киши назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини ислом, тўра ва тузук асосида бажардим".

Амир Темур барпо этган марказлашган давлат дину диёнат, адолат ва куч-қудратга таянган. Шунинг учун ҳам унинг "Адолат кучда эмас, куч адолатдадир" деган шiori Шарқу Фарбда маълум ва машҳурдир.

Амир Темур ва унинг ворислари даврида темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Миср, Туркия, Испания, Франция ва Англия билан дипломатик алоқалари ривожланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг саройи турли мамлакатлардан келган элчилар билан гавжум, қарвонсарой ва бозорлар эса турли хил моллар билан тўла бўлган. Соҳибқироннинг ташқи сиёсатини ўрганишда унинг хорижий давлат бошлиқлари билан олиб борган ёзишмалари муҳим аҳамиятга эга. Бу мақбуларнинг айримлари Франция Миллий кутубхонаси, Испания архивлари, Англиянинг Британия музейи, Туркиянинг Фотиҳ Сулаймон кутубхонасида, шунингдек, турли қўлёзма ва мажмуаларда сақланмоқда.

XIV аср охири XV аср бошларида Амир Темур салтанатининг доврғи Европа мамлакатларига қадар етиб боради. Франция, Англия, Испания, Генуя ва Византия қироллари янги сиёсий воқеликни англаб, буюк бобокалонимиз билан сиёсий, иқтисодий ва савдо алоқалари ўрнатилган урнатилар. Таниқли француз олими Л.Керен "Амир Темурнинг Фарб давлатлари билан олиб борган дипломатиясини ҳозирги кунда биз "ҳақдорликка узатилган қўл" сиёсати деб атайимиз", дейди. Дарҳақиқат, Европа мамлакатлари, айниқса, Франция, Англия, Испания, (Кастилия, Леон), Византия (Константинополь) Амир Темур билан яқин алоқада бўлиш орқали Европа унинг энгилмас саналган турк султони Бозидга қарши қурашда Соҳибқирон қудратига таянмоқчи бўлганлари сир эмас. Бундан ташқари, Осиё билан савдо-сотик алоқалари ҳам уларни қизиқтириб келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг оқилона сиёсати, эзгу ишлари дунёнинг ҳеч бир давлат арбоби ёки саркардалари фаолиятида учрамайди. Амир Темур нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк саркарда ва давлат арбобидир. У юрттан сиёсат Осиё ва Европа давлатлари тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилган. У бу билан халқаро майдондаги бош-

Дехқонбой АБДУЛЛАЕВ,
Қамаши туман прокурори
Норбўта ҒОЗИЕВ,
"Huqiq"

бошқоқликларни тугатган, адолат ва қонунийлики таъминлаган. Шарқ ва Фарб масаласида диний бағрикенглик, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик ғояларини илғари сурган.

Амир Темур мамлакатни ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратган. У энг аввало, мамлакатни пойтахти Самарқандни ободонлаштиришга, унинг салобати ва улғурлигини орттиришга ҳаракат қилган. Лекин у Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлаштириш ишларини олиб борган, сув иншоотлари қурдирган.

"Бир йил мобайнида, — деб ёзади Шарафуддин Али Яъқубий — Бағдод шаҳрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда хунармандчилик ривожлансин, теварак-атрофда деҳқончилик ўссин, савдо-сотик ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом билми илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа амрзода Абу Бақрга топширилди.

Темур муҳандислар, архитекторлар ва қурувчилар томонидан тасдиқланган аниқ режаларга асосида Боилкон кўрғони — шаҳрини ҳам тиклади, пишиқ гиштдан қўлгина турар жой бинолари, бозор, майдон, ҳаммомлар қурдирди, боғ, хиёбон барпо этди, Аракс дарёсиндан катта канал қаздириб, шаҳарга сув келтирди".

Бу ва бошқа тарихий маълумотлар ҳамда фактлар "Темур ўзидан вайрона ва қулдан бошқа ҳеч нарса қолдирмади", "Темурланг ва Чингизхон бир тарзда шў кўрди" ва ҳоказо деб ҳисобловчи айрим шўро тарихчиларининг даъволари бир ёқлама эканлигини кўрсатади. Ўрта Осиё тарихининг билимдонни, таниқли шарқшунос олим, академик В.Бартольднинг "Темур гўё Самарқанддан бошқа ерда вайронагарчилик билан шуғулланган, деган фикр муболағали, у Қобул водийси ва Муған чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда улкан суғориш ишлари олиб борди", деган тарихий жиҳатдан ғоят қимматли фикри ҳам биз юқорида қайд этган тарихчиларнинг фикри асосиз эканлигини тасдиқловчи далилдир.

Ҳа, Амир Темур яратган салтанат миллий давлатчилик маданиятимизнинг ютуғи, айна чоғда шу маданият истиқболининг мустаҳкам заминини бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам халқимиз мустақил тараққиёт йўлида унинг давлатчилик тажрибалари ва сабоқларини чуқур ўрганишга алоҳида эътиёж сезаётимиз. Бу эътиёж, аввало, Соҳибқирон қандай қилиб қисқа фурсатда шундай буюк давлатни барпо этга олган, унинг сиру синовати нимда, олти асрдан сўнг бундан ибрат олишимиз мумкин бўлган ибрат ва сабоқлар нимадан иборат, деган саволлар бизни тобора мушоҳада қилишга ундайди. Хуллас, буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур фаолияти барчамиз учун том маънодаги ибрат мактабидир.

Муқаддас қадрият

Мустақиллик йилларида республикада суҳ-хуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида гапирганда, унинг асл маъноси инсоннинг хуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилганини алоҳида таъкидламоғимиз лозим. Чунки, адолат, инсон шайни, қадр-қиммати ва эркинлиги ҳаққимизнинг муқаддас қадриятларидан ҳисобланади. Қайси давлатда адолат бор экан, ўша давлатнинг қудрати ортади, жамият ривож топади.

Аброр САЙЁТОВ,
Жиззах вилоят прокурори
Ўринбосари

қарориде кўрсатилганидек, вилоят ҳудудидан сайланган сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят бўйича вакили, шунингдек, халқ депутатлари туман кенгашларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссиялари расмлари, жамоатчилик вакиллари киритилди.

Бевосита мазкур қарор билан амнистия мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар, урчашув ва мулоқотлардан иборат тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш тадбирларини ташкил этувчи вилоят ҳокимлигининг ишчи ҳудудий комиссияси тuzилди. Унинг аъзолари ўртасида вазифалар тақсимлаб олинди.

2013 йил 5 март ҳолатига вилоят бўйича 2082 та жиноят иши юзасидан 2211 нафар шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилди. Тергов ва суриштирув органлари томонидан 240 та жиноят иши бўйича 247 нафар шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш ҳақида судларга илтимосномалар қўрилди ва қаноатлантирилди.

Жамоатчилик ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, амнистия актини қўллаш жараёнида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилиб, яшаш жойига қайтиб келган 116 нафар шахснинг ИИБ органлари томонидан профилактик ҳисобга қўйилиши таъминланган бўлса, яшаш жойларига қайтиб келган 116 нафар шахслар моддий ёрдам сўраб, ижтимоий кўникма марказларига мурожаат қилганликлари туфайли, уларга 52 млн. 46 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилди. 97 нафар меҳнатга лаёқатли, деб топилди, барчаси ишга жойлаштирилди.

Қонун устуворлигининг таъминлини бош мақсад этиб белгиланган жамият аъзолари эса шайни, қадр-қиммати ҳамда эркинлиги ҳимоялангани учун ҳам келажақка умид кўзи билан қарайди. Ана шу эркинликларни бизга республикамизнинг мустақиллиги берганлиги билан ҳақли равишда ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов раҳномалигида мамлакатимизнинг суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бераётганини бугунги кунда барча юртдошларимиз қалбдан ҳис этиб туришди. Хусусан, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этипти. Қонунчилигимизда юқорида таъкидланганидек, халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлик тамойиллари ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан амнистия акти қўлланилишининг жорий этилганлиги, 2012 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Амнистия актининг энг эътиборга молик жиҳати шундаки, унда жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, тайинланган жазони қисқартириш, тайинланган жазони енгириги билан алмаштириш, қўшимча жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганлик ҳолатини олиб ташлаш каби кечиримлик та-

мойиллари ўз ифодасини топади. Айнан ана шу ҳолатлар билиб-билмай жиноятга қўл урган қўллаб-қўрғоқларга қўл келгани боис, улар ҳаётда тўғри йўл топиш имконига эга бўладилар. Бундай кечиримлик сиёсатини амалга ошириш учун тегишли хизмат раҳбарларидан адолатли иш тутиш, амнистия актида белгиланган енгилликларни очик-ошкорлик руҳида амалга ошириш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг аниқ ва бир хилда ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан иборат тартибда, вилоят прокурорининг соҳавий ўринбосари раҳбарлигида тезкор гуруҳ тuzилди. Гуруҳ томонидан асосий эътибор маҳкумлар ва судланувчиларга нисбатан амнистия қарорининг монеликсиз ва ҳолисона қўлланилиши устидан назорат қилиш ҳамда бу жараёнда қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ҳолда, алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилди. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир маҳкумга алоҳида, монеликсиз ва объектив қўлланилиши, уни қўллаш жараёнида қонунбузарликларнинг олдини олиш вазифасини бажариш устидан доимий назорат ўрнатилди.

Бундан ташқари, амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиш тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очик-ошкораликнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича вилоят ишчи гуруҳининг таркиби шакллантирилди, ушбу масалада вилоят ҳокимининг фармойиши қабул қилинди. Ишчи гуруҳига Сенат

«Huquq»
почтасидан

Миннатдорчилик

Муаммо ҳал бўлди

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйишга қаратилган эътибор, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан қўллаб-қўрғоқларимиз самарали фойдаланиб, эл-юрт раванқига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган турмуш ўртоғим Умида Ҳамроева 2008 йил 29 июлда Республика кўчмас мулк биржасининг Хоразм вилоят филиалида бўлиб ўтган аукцион савдосида голиб чиқиб, Урганч шаҳар П.Маҳмуд кўчасида жойлашган "Туямўйин-Урганч" МСҚФБга қарашли "СП-7" оқова сув узатиш станцияси ҳудудининг бир қисмида жойлашган умумий ер майдони 1203,98 квадрат метр, қурилиш ер ости майдони 45,41 квадрат метрдан иборат бўлган бино ва иншоотларни сотиб олди.

Тадбиркорликда аввало, ҳалоллик, уддабуронлик ва меҳнат-севарлик каби хислатлар талаб этилади. Ана шундай хусусиятларга эга бўлган Умида сотиб олинган эски бинолар ўрнида янги савдо ва маъшият хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга тушириб, "АКФА" дераза ва эшик ромлари ишлаб чиқариш, тикувчилик цехлари, дукон ва бошқа хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйиш ниятида эди. Бу режанинг амалга ошиши нафақат оиламиз раванқига, балки янги иш ўринлари яратилиши билан юртдошларимизнинг ҳам фаровон турмушига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши мумкинлигиндан хурсанд эдик. Қолаверса, турмуш ўртоғим сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларига ўзининг муносиб улушини қўшмоқчи эди. Шунингдек, унинг "бизнес режа"си мутасаддиларга ҳам маъқул келди.

Бироқ, негизий Урганч шаҳар бош архитектору юқорида қайд қилинган иншоотларни ташкил қилишисини учун рухсатнома беришни истамади. Бир неча бор қилган мурожаатларимиз бечасма қетган, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилдик. Суд 2012 йил 25 январда Урганч шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бош архитектору Ж.Машиариповнинг зиммасига У.Ҳамроева томонидан умумий ер майдони 1203,98 квадрат метрдан иборат ер участкасида маъшият хизмат кўрсатиш шохобчалари учун биноиншоотлар қуриш ишларини бажаришга рухсатнома бериш масъулиятини юклатди. Бироқ, Ж.Машиарипов суд қарорига беписандлик билан қараб, уни бажаришни пайсалга солиб келди.

Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида прокуратура идоралари ходимларининг олиб бораётган ишлари натижасида турли қонунбузилишларнинг олди олинмоқда. Шунингдек, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, анча ихобий натижаларга эришилмоқда. Шу маънода турмуш ўртоғим ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, Хоразм вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди. Прокуратуранинг аралашуви билан 2010 йилдан буён ҳал бўлмаётган муаммо ўз ечимини топди.

Прокуратура идораларининг хизмати таҳсинга сазовор. Шунингдек, улар томонидан жойларда ташкил қилинаётган очик мулоқотларнинг ҳам самараси катта бўлмоқда.

Прокуратура кўмағида ўз тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўлга қўйган юртдошларимиз қаторида бизнинг оиламиз ҳам шунга яраша қонун талабларига бўйсуниб, фаолият кўрсатишга ва эл хизматига қамарбаста бўлишга ҳаракат қиламиз.

Қадамбой Раҳимов,
Урганч шаҳри

Борингизга шукур

Инсон манфаати ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси йўлида бор билим ва маҳоратларини ишга солаётган фидойи инсонларнинг борига шукур, дегим келади. Зеро, бундай фидойилик ортида аввало, одамийлик ва виждонли апри акс этиб, бу жиҳат қонун билан ҳамнафас бўлгандагина қўрилган натижаларга эришиш мумкин бўларкан. Шундай хислатга эга бўлган турли вазифа ва лавозим эгалари борки, уларни бемалол ҳақикат ва дённат, тўғрироғи, қонун посбонлари дея оламиз.

Бизнинг кўчмасида режа асосида қурилиш ишларининг бошланғич оиламизни анча хавотирга солиб қўйди. Негаки, 13 ёшли қизим Фотима I гуруҳ ногирони. Шу ёши ҳафтада бир марта уни шифокор хузурига олиб боришимиз шарт. Уйимиздан асосий чиқиш йўлида бошланган қурилиш ишлари натижасида қизимизни ногиронлик аравачасида у йўлдан олиб ўтишининг иложи бўлмасди. Қолаверса, яқин йўлимиз узоққа айланарди.

Биз ўзини ташвиш тугдиратган мазкур муаммо бўйича Сариосиё туман прокуратурасига мурожаат қилдим. Мурожаатим беъэтибор қолмади. Қувончлиси, қурилиш ишларининг жойи силжиб, бизнинг хонадонимиздан йўлга чиқиш учун жой ажратилди. Буни кўриб, тўғриси, қўларимизга ёш келди...

Фуқаролик ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиб, ўқис кўнгилларини шод этган Сариосиё туман прокуратураси ходимларига "Huquq" газетаси орқали ўз миннатдорчилигини билдириш ниятида қўлимга қалам олдим.

Хурматли қонун ҳимоячилари! Элу юрт қорига ярашдек масъулиятли ишингиз, касб-корингиз билан доимо гурур ва ифтихор хиссини туйиб юриш бахтини Оллоҳим сизларга насиб этсин! Қўлган ёрдамингиздан кеҳисиз миннатдоримиз, дея ҳаммаша тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт ва саломатлик сизларга ҳамроҳ бўлишини тилаб,

Равзатулло Бобомуродов,
Сариосиё тумани, II гуруҳ ногирони

Ишловчи манфаатлари устувор

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 30-31 август кунлари бўлиб ўтган навбатдаги тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Ом-мавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ва Меҳнат кодекси, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят иши юритиш чоғида қамқода сақлаш тўғрисида"ги Қонунларига аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани қучайтириш мақсадида меҳнат ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашининг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланишини назарда тутувчи ўзгартишлар

Нодирбек ИСМОНОВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси катта суриштирувчиси

киритилди. Бу эса республика ҳудудидеги бирор корхона, муассаса ва ташкилотда бир ойлик тўлик ишланган вақт меъёри ва бажарилган меҳнат вазифалари учун ходимнинг меҳнат ҳақи миқдори ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф ставкасидан кам бўлмаслигидан адолат беради.

Қонунчиликка киритилган ушбу янгилик меҳнатга ҳақ тўлашининг фақат амалдаги энг кам иш ҳақи миқдорига қараб амалга оширадиган, бунда меҳнатга ҳақ тўлашининг ягона тариф сеткаси бўйича белгиланган ойлик меҳнат ҳақи миқдорини эътиборга олмайдиган иш берувчиларнинг фаолиятини тартибга солуви қонун ҳужжатлари нормаларининг икки хил талқин қилинишини истисно этади.

Мазкур қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳалолдан қўймасин



Суд томонидан ўзига нисбатан ўқийлаётган ҳукмига қулоқ тутар экан, суъянинг: "... мuddатга озодликдан маҳрум этилсин" деган сўзларини эшитган-ю, тўсатаан юраги орқага тортиб кетди. Ичидан бир нима узилгандек бўлиб, ўпкаси тўлиди. Ҳаво етишмаётгандек энтикиб-энтикиб нафас олар экан, шу заҳоти онласини эслади. Болаларини бирма-бир кўз ўнгига келтириш баробарида, энди анча вақт уларни кўролмаслигини ҳис қилиб, бутунлай эсанкираб қолди. Ҳа, ҳаммасига ўзи айбдор. Начора, энди жудаям кеч...

Хаммаси ўша кунги телефон кўнғирогидан бошланди. Декабрь ойининг бошларида Тожикистон Республикасининг Турсун-Зода туманида яшовчи Аҳлиддин исмли таниши кўнғирок қилиб, кўп миқдорда "мол" борлиги, агар иложини қилиб, тайинланган манзилга етказиб беролса, рози қилишини айтди-ю, Шокирнинг ҳаловати бузилди. У қутилмаган бу таклифга нима деб жавоб беришини билмай, ўйлаиб қолди. Шу заҳоти гўшакнинг у томонидан гўлдираган овоз эшитилди:

— Келишдикми, ошна? Ҳаво-тирланма, куруқ кўйимайман. Иш пишса, наҳд 1 миллион 600 минг сўм пул сеники!

Хизмат ҳақининг миқдорини эшитган Шокир шу заҳоти рози бўлди-да, "мол"ни қаерга олиб бориш кераклигини сўради.

— Гап бундай, оғайни. Сенга

Тождиддин исмли танишим кўнғирок қилади. У билан "мол"ни чегарадан ўтказиш ва айрилган жойга етказиб бериш ҳақида телефонда келишиб оласизлар. Мен унга сенинг телефон рақамингни бераман, кўнғирок бўлишини кут.

Ҳақиқатан ҳам, орадан бир неча кун ўтгач, Шокирнинг кўл телефонига яширин рақамдан кўнғирок бўлди. Ўзини Тождиддин деб таништирган одам янгиликлар бўлса, ўзи кўнғирок қилишини айтиб, ҳозирча қутишини тайинлади.

Ойнинг охирида Аҳлиддин ҳам кўнғирок қилди.

— Гапни эшит, ошна. "Мол"ни Тождиддиндан бериб юбораман. Тожини қутиб олганиндан сўнг, "мол"ни Тангимуш қилшогига олиб борасизлар. У ерда сизларни Ҳожи исмли одам кутиб олади. "Мол"ни ўшанга топширсанг, бўлди. Ҳожининг телефон рақамини

Муродхон АҲМЕДОВ,
Денов туман прокурори
Баргида МҮМИНЖОНОВА,
"Нуқад"

"мол"ни қабул қилиб олганиндан сўнг, телефон қилиб айтаман.

24 декабрь куни кеч соат тўққизларда Шокир Денов шаҳридаги мактаблардан бирининг ёнига келиб, келишилгандек "юк"ни қабул қилиб олди. Аммо иш улар тузган режа бўйича кетмади. Тождиддин Шокирга "мол"ларни уйига олиб бориб, яшириб қўйишни, бир неча кундан сўнг кўнғироклашгач, уларни Ҳожиниқига олиб бориб беришни тайинлаб, ўзи қаергадир кетди.

Кўнғир иншининг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади, дейишади. Шокирнинг бошлаган ноҳужа қилиши охирига етмай ошкор бўлди. Сурхондарё вилояти ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари Шокирни полиэтилен қоп ичида вазни 33 кг. 517 гр. бўлган 12 та целлофан ўрамдаги "опий" гўёҳандлик моддаси ҳамда яна бир пакетда вазни 2 кг. 264 гр. бўлган "героин"ни уйига олиб кетаётган вақтда қўлга олишди.

Ёши улуг инсонлар дуога қўл очшар экан, ёмон йўлдан, нафс балосидан асрасин, юртга тинчлик, кўнғилга хотиржамлик, хонадонга файз, одамларга ҳалол ризқ сўраб дуо қилишлари беҳиз эмас. Шокир эса ноҳужа қадами, анкироғи, нафсига қўл бўлиши оқибатида маълум мuddатга бўлса-да, ана шуларнинг деярли барчасидан маҳрум бўлди.


Ишонмагин дўстингга...

Шарофиддин ЮСУПОВ,
Шайхонтоҳур туман прокуратураси катта терговчиси

нов машинасини М.Нурмухаммедовга ишониб қолдириб кетади. Чамаси бир соатлар ўтгандан кейин автоловини олиб кетиш учун келганда эса, машина ҳам, уни ювиб беришни ваъда қилган йигит ҳам йўқ эди. М.Нурмухаммедов билан бирга ишловчи йигитлар унинг ҳозир ишда йўқлиги, уни яхши танимасликлари, манзилини ҳам билмасликларини айтишгач, О.Атаханов дарҳол ички ишлар ходимларига бу ҳақда хабар қилади. Ушбу ҳолатда ҳам афсуски, жабрланувчига айнан ишончи панд беради. Тезкор кидирув натижасида жиноятчи қўлга олинди. Машиналар ўз эгаларига қайтарилди. М.Нурмухаммедовга эса суднинг ҳукми билан уч йил-у олти ой мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўта ишонувчанлик ҳам айрим ҳолларда мана шундай кўнғилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Қолаверса, ишонувчанлик, ўзгаларни ҳам худди ўзидек кўриш М.Нурмухаммедов каби баъзи осон пул топиш ва бунинг ортидан эса энгил-елпи ҳаёт кечирриш илнжиди юрганлар учун қўл келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзини мана шу юрт фарзанди, шу юртнинг истиқболли келажиги учун масъул, деб билган ҳар бир фуқаро ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бепарқ бўлмаслиги, жамият ҳаётига хавф солувчи ҳар қандай кўринишдаги ҳолатга нисбатан ўз фикр-мулоҳазасини билдириши ва уларга қарши курашишни ўзи учун бурч, деб билиши зарур. Шундагина биз нафақат М.Нурмухаммедов кабиларни қайта тарбиялаймиз, балки бундай воқеалар содир бўлишининг олдини олган, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиршига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшган бўламиз.



Ишонч — ҳар қандай муносабатнинг бошланishi ҳисобланади. Ҳамкорлик алоқаларининг, ошна-оғайнигарчилик ёки қариндошчиликнинг йўлга қўйилиши ҳам айнан ўрталлаги ишончга боғлиқ. Икки орада бу тўйғу бўлмас экан, инсонлар ҳеч қачон бир-бири билан яқин муносабатга бўла олмайди.

Халқимизда "ишонмагин дўстингга..." дея бошланувчи мақол бор. Бу ҳақда ўқишингиз билан ҳаёлингизга шунга ўхшаш воқеалар келган бўлса, ажаб эмас. Чунки, афсус билан таъкидлаш керакики, жадаллик билан ривожланиб бораётган ҳаётимизда бундай ҳолатлар баъзан учраб турибди.


2012 йил 15 июнь куни жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида бўлиб ўтган жараёнда дўстининг ишончини қозониб, уни чув туширмоқчи бўлган шахсга қонуний жазо тайинланди. Таниши А.Кимнинг ишончига кирган фуқаро М.Нурмухаммедов, бу тўйғунни суиистеъмол қилди. 2012 йилнинг 1 март куни икки "дўст" бирор кафедра маишат қилишга келишишди. Бироз кўнғил ёзишгач, М.Нурмухаммедов бир жойга бориб келиш баҳонасида А.Кимнинг "Матиз" русумли машинасини сўраб олади-да, қайтариб беришни ҳаёлига ҳам келтиришмади. 21 млн. сўмлик шахсий автомашинаси ҳамда салондаги 3 млн. сўмликдан ортик қимматбахо буюмларидан айрилган А.Ким ўзининг алданганини тушунади ва ички ишлар идорасига мурожаат қилади.

"Ўрганган кўнғил, ўртанса қўймас", деганларидек, бу жиноят М.Нурмухаммедов учун биринчиси эмас экан. "Ласетти" русумли автомобилни ювдириш учун "мойка"га келган О.Атаха-

Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи раҳбарининг ўринбосари лавозимда ишлаётган Муқимжон Мусаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ҳузурига юрилик шахслар бўйича муҳандис бўлиб ишловчи Йигитали Азизов кириб келди. У бошлиқ ўринбосарига бугунги иш режаси ҳақида маълумот берар экан, бу ердан чиқиб, тумангаги истироҳат боғида электр энергияси бўйича тўловларнинг тўланиши ва электр кўрсаткичларни ҳам қайда этишга бормоқчи эканлигини, жисмоний шахслар бўйича муҳандис Рустам Долимов билан бирга боришни маълум қилди. Кўп ўтмай икковлон истироҳат боғи томон йўл олишди.

Тамагир мансабдорлар

Дилшод ФАЙЗИЕВ,
Бўстонлик туман прокурори



Бу ердаги асосий электр ҳисоблагичнинг кўрсаткичини кўздан кечириб бўлгач, бино ертўласида ҳам электр ҳисоблагич борлигини аниқлашди-да, ҳар иккала электр ҳисоблагичларни текшириб, далолатнома тузишди.

Йигитали ишхонага қайтиб келгач, яна бошлиқ ўринбосарининг ҳузурига кирди. У Муқимжонга истироҳат боғидан ажойиб "топилма" топганлиги ҳақида маълумот бериб, қонун бўлишини бўйича тузилган далолатномани узатди. Ўринбосар далолатномага кўз югуртириб, маъноли бош силкитди-да, эртасига МЖЧ таъсисчисини чақиртиришни буюрди. Муқимжоннинг бу топшириги юзгага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида эмас, аслида вазиятдан унумли фойдаланиш, аниқроғи, ҳамёни "семиртириш" учун берилганди.

Эртаси куни корхонага кириб келган истироҳат боғи таъсисчиси Фанишер Холиқовни Йигиталининг ўзи қабул қилди-да, салом-алиқдан сўнг, "меҳмон"нинг олдига далолатномани ташлади.

— Бу қанақаси? — деди бироз дағал оҳангда. — Бизнинг кўзимизни шамғалат қилиб, боққа яширинча "счётчик" ўрнайти олибсиз. Бизни сезмайди, деб ўйлаганмидингиз? Биз ҳам анойи эмасмиз, ака. Сиздақаларнинг кўпини кўрганмиз. Ана энди яширин "счётчигингиз" бўйича 47 миллион сўмни тўлаб қўйинг.

Бу миқдордаги пул ҳақида эшитиб, Фанишернинг капалаги учиб кетди.

— Қанақасига 47 миллион бўларкан? — деди у шошиб. — Шунчақасига! — хотиржам жавоб қилди Йигитали. — Ҳа энди, шунча электрни ишлатганингиздан кейин, пулиниям тўлаб қўйинг-да!

— Менимча, сиз нотўғри ҳисоб-китоб қилгансиз. Ертўладаги "счётчик"ни асосий ҳисоблагични назорат қилиш мақсадида ўрнатганмиз. Қайтадан текшириб кўрсангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Аммо Йигитали гапни қўзиб ўтирмади. Олдиндан ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш учун секин гап бошлади: — Сизниям тушунаман. Бунча пулни тўлаш ҳаммагаям оғирлик қилади. Сизга битта ёрдам қиламан. Майли, сумманинг ярмидан воз кечамиз. Фақат... бунинг учун Муқимжоннинг олдидад ўтишимизга тўғри келади. Хоҳласангиз, юринг, бирга кирамиз.

Шундай қилиб муҳандис билан таъсисчи бошлиқ ўринбосарининг ҳузурига кириб келишди. Муқимжон ҳар иккисининг фикрларини эшитиб бўлгач, ўзининг яқуний қарорини "эълон" қилди. Яъни истироҳат боғида ўтказилган текшириш натижаси бўйича тузилган далолатномани таъсисчисига қайтариб бериш, чора кўрмаслиги эвазига эса 2 миллион 500 минг сўм пул бериш кераклигини писанда қилди. Икки тамагир мансабдорнинг инсофга келмаслигига кўзи етган Фанишер, ноилоҳ уларнинг талабига кўнишга мажбур бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Муқимжонга талаб қилинган поранинг бир қисмини, яъни 500 АҚШ долларини етказиб берган Фанишер энди қулгоғим тинчиб, бироз хотиржам бўламан, деб ўйлаган эди. Аммо, ундай бўлмади. Бир ой мобайнида гоҳ бошлиқ ўринбосари, гоҳ юридик шахслар бўйича муҳандис телефон қилавериш, ҳоли-жонига қўйишмади. Улар тинмай сумманинг қолган қисмини талаб қилишарди. Тоқати тоқ бўлган таъсисчи тамагир мансабдорларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

2012 йилнинг 25 апрель куни унинг мурожаати бўйича ўтказилган тезкор тадбир давомида, электр корхонаси бошлиғи ўринбосари ўзининг хизмат хонасида Фанишердан 1 млн. 100 минг сўмни пора тариқасида олган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинди. Ушбу ҳолат юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилиб, иш судга оширилди ва тамагир мансабдорларга қонуний жазо тайинланди.

Шиша ичидаги касофат

Халқимиз орасида қайнота билан куёвнинг тупроғи бир жойдан олинади, деган гап юради. Шу маънода, спиртли ичимликни кўрганда, Тоҳир ҳам қайнотаси Сергейдан қолишмас, қалаҳ узатишган кўлни бирор марта қайтармаган эди. Аксинча, ичкилик етмай қолса, шу заҳоти "Ҳирот"дан бўлса ҳам топиб келар, айнан шу қилиғи билан гарчи ўғай қизига уйланган бўлса-да, Сергейга маъқул келганми. Бундан ташқари, иккиси ҳам муқаллам бир неча бор сулланган бўлиб, айнан шу ҳолат ҳам уларни қайсибир маънода бир-бирига боғлаб турарди. Афсуски, уларнинг ўртасидаги ана шу яқинлик, аниқроғи, ўхшашлик, охир-оқибат бирининг бевақт ҳаётдан кўз юмишига, иккинчисининг эса қотил, деган тамаг ортириб, сулланишига сабаб бўлди.



Қаҳрамон МИРСАГАТОВ,
Сергели туман прокуратураси терговчиси

Уша куни эрта билан бозорга йўл олган эр-хотин кераклик нарсаларни харид қилиб бўлгач, уйга қайтишди. Сергейнинг кайфияти яхши бўлгани боис, йўл-йўлақай хотинига бир шиша пиво олиб берди-да, ўзи вино ичди. Булар камлик қилди, шекилли, бир шиша ароқ сотиб олди-да, сумкага жойлади. Уйга киришгач, овқатланиш баҳонасида, ароқ шишасини бўшатишди. Тушликдан кейин Оля рўзгор ишларига киришиб кетди. Сергей бўлса ётиб, телевизор томоша қила бошлади.

Бир маҳал Олянинг яна "томоғи" тақиллаб қолди-да, эридан вино олиб келишни талаб қила бошлади. Ичилган вино билан ароқнинг таъсиридан

мудраб ўтирган Сергейга бу гап ёқмади. Керак бўлса, ўзинг чиқиб кел, дея ўшқирди. Олянинг кайфи ҳали тарқамаган эди, эрининг бақиршидан жаҳли чиқиб, шунга яраша гап қилди. Унинг кесатиғи ўз навбатида Сергейнинг иззат-нафсига тегди. Хуллас, ичкилик ўзининг кучини кўрсатди. Боягина бир-бирини еру-кўкса ишонмай ўтирган эр-хотин урушиб, сан-манга бориб қолишди.

Оля вақтни ўтказмай, қизига телефон қилди-да, эри унга вино олиб бермаётгани, устига-устак урганини айтиб, шикоят қила бошлади. Қизи "Ҳозир куёвингизни юбораман. Сизни бизникка олиб келади", деб уни тинчлантирди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай

узоқдан Тоҳир кўринди-ю, Оля уни кўчада кутиб олиб, йиғиб қўйган темир-терсақларни сотиб келишга ёрдам беришини илтимос қилди. Икковлон аравани судраганча, нарироқда жойлашган пунктга бориб, темир-терсақларни 10 минг сўмга пуллашди. Ортага қайтишда, Тоҳир қайнонасининг қистови билан бир баклажка вино сотиб олди.

Уйга келишгач, бека дастурхон ёзди. Учовлон ўтириб, маишатни бошлашди. Кўп ўтмай, Олянинг кайфи ошиб, ухлашга кириб кетди. Қайнота билан куёв зиёфатни давом эттиришди. Бир маҳал Тоҳирнинг эсига қайнонасининг хотинига кўнғироқ қилиб, шикоят қилгани тушиб қолди-ю, тўсатдан авзойи бузилди. Жаҳл аралаш қайнотасига

таъна-дашмон аралаш танбех бера бошлади. Табиийки, куёвининг, бунинг устига ўзидан анча ёш йигитнинг ақл ўргатиши Сергейга ёқмади. Шу сабабли унга дакки берган эди, Тоҳир ҳам бўш келмади. Иккови бақир-чақир қила туриб, тўсатдан муштлашиб кетишди. Бир маҳал Тоҳирнинг қўлига ошхона пичоғи тушиб қолди-ю, "Ма, қўлингдан келса, менга тиқиб кўр-чи!", — дея Сергейга узатган эди, у иккилашиб ўтирмай, пичоқни олди-да, шу заҳоти Тоҳирни итариб юборди. Тоҳир ерга йиқилиши билан, унинг устига энгашиб, пичоқни ишга солди... Зумда эғнидаги жемфер қонга беланди.

Ана шундагина у нима қилиб қўйганини тушунди. Куёвининг жасади устида бироз нима қиларини билмай ўтирди. Кейин, ўрнидан туриб, ичкарига йўл олди. Ҳеч нарсадан беҳабар, ухлаб ётган хотинини уйғотиб, Тоҳирни пичоқлаб қўйганини айтган эди, Оля аввалига ишонмади. Аммо унинг қистови билан ошхонага кирди-ю, қонига беланиб ётган Тоҳирни кўриб, додираб қолди. Ўзига келгач, қизига телефон қилиб, бўлган воқеани айтиб берди. Кўп ўтмай қизи етиб келди ва милицияга хабар қилди. Бироздан кейин шифокорлар билан ички ишлар ходимлари ҳам кириб келишди...

Шундай қилиб, шиша ичида жимгина ётган спиртли ичимлик ташқарига чиққач, ўзини кўрсатди-ю, унинг касофати оқибатида қотиллик юз бериб, икки оила парокандага учради.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: "Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустахкамлаш, қонуллар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг, амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар сибатини очкичилиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш".

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

— аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда, аҳоли орасида, айниқса ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВларнинг ролини ошириш;

— аҳолининг, энг аввало ёшларнинг дунёқаролини кенгайтириш ва маънавий қадриятларини янада мустахкамлаш.

Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 15 млн. сўмгача. ННТларнинг ўз маблагларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин. Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент ш. Бунёдор шоҳ кўчаси, 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш; — нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш;

